ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 21 июль, № 143 (5058) Чоршанба

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини 7 миллион тоннага яқин юксак ғалла хирмони бунёд этиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч шубҳасиз навбатдаги янги саҳифа очишга эришганингиз — мана шундай улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Азалдан нондек азиз ва табаррук неъматнинг қадрига етадиган, уни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз бу беқиёс ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилганини чуқур англайди ва ризқ-рўзимиз бўлмиш бундай бебаҳо бойликни бизга насиб этгани, эл-юртимизнинг йўлини очиб бергани, ўзи мададкор бўлгани учун Яратганимизга шукроналар билдириб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимизга тасаннолар айтади.

Бир вақтлар ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида кимгадир муҳтож бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш ҳисобидан донни четдан олиб келганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда Ватанимиз ғалла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўкчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз, шу кунларга етганимиз учун барчамиз чин қалбдан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.

Азизларим, барчангиз яхши биласиз, бундай марраларга етиш осон бўлгани йўқ.

Бунинг негизида, аввало, узоқни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган давлат сиёсати, чуқур ўйланганислоҳотлар, шу йўлда энг муҳим ўрин ва аҳамият касб этган фермерлик ҳаракатига ўтганимиз, унга кенг йўл ва имтиёзлар очиб берганимиз, ҳозирги вақтда юртимизда фермерлик, ҳақиқатан ҳам, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айни пайтда соҳага илмий асосланган, Ўзбекистоннинг иқлими ва шароитига мослаштирилган замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалалари мужассам бўлганини такрор-такрор айтиш ўринли деб биламан.

Шу борада ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ва ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг қалбидан чуқур жой олгани, шу аснода меҳнатчиларимизнинг дунёқараши ўзгариб, онгу тафаккури юксалиб, келажакка ишонч туйғуси янада мустаҳкам бўлиб бораётганининг ўзи бугун қишлоқларимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда минтақамизда об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариб бораётгани, хусусан, ўтган йили кузнинг ноқулай келгани, баҳорда дўл, сел ва ёғингарчилик меъёридан кўп бўлгани, қолаверса, турли зараркунандалар ва касалликлар бошоқли экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто ғалла ўримга келган пайтда кучли шамол ва жала туфайли айрим далаларда бўлиқ майсаларнинг ётиб қолиши қўшимча ташвиш туғдирди. Мухтасар айтганда, мана шундай мураккаб ҳолатлар ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир марта жиддий имтиҳондан ўтказди.

Шуни ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш лозимки, ҳаёт синовларида тобланган, азму шижоатли деҳқонларимиз бу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиб, барча қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Мамлакат бўйича ўтган йилга нисбатан 286 минг тонна кўп дон етиштирилгани, суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 51 центнерни ташкил этгани, лалми ерлардан ҳам баракали ҳосил олингани бунинг амалий тасдиғидир.

Айниқса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик даражаси ўртача 53-58 центнерни ташкил этгани, Пахтаобод, Балиқчи, Иштихон, Яккабоғ, Касби, Учқўрғон, Ғиждувон, Пешку, Қуйи Чирчиқ, Дўстлик туманларида бу кўрсаткич 55-67 центнердан юқори бўлгани фидойи ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор намоён этди.

Энг муҳими, шартнома мажбуриятларига амал қилган ҳолда, етиштирилган ҳосилнинг 4 миллион 90 минг тоннаси, яъни қарийб 60 фоизи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларимизнинг омбори ғаллага, рўзғори қут-баракага тўлиб, уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида мамлакатимиз тараққиёти, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи учун, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб ишларимизни янада кенг кўламда давом эттириш, юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида белгилаб олган дастур ва режаларимизни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли бажариб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишимиз керак.

Ишончим комилки, юртимиз деҳқонлари қишлоқ хўжалиги ишларини самарали давом эттириб, пахта, сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштиришга ва бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан якунлашга эришадилар.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз миришкор фермерларимизга, ўрим-йиғимда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган механизаторларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бугунги улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. Лафзи ҳалол, мард ва танти боболеҳқонларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН




# ТАРАҚҚИЁТ ВА ОБОДЛИК ПОЙДЕВОРИ

***Мамлакатимиз ғаллакорлари бугунга қадар қарийб 7 миллион тонна сара дон ўриб-янчиб олиб, зиммаларидаги йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардилар. Бу уларнинг Мустақиллигимизнинг 19 йиллик тўйига муносиб байрам туҳфаси бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.***

Дарҳақиқат, бу йил ҳар доимгидан-да мўл ва баракали ҳосил етиштирилди. Суғориладиган ерлардан 51 центнердан ҳосил олингани бунинг яққол далилидир. Эл-юрт ялпи ғалла хирмонига, айниқса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари деҳқон ва фермерлари муносиб ҳисса қўшишди. Ушбу вилоятларда гектаридан 53-58 центнердан ошириб ҳосил олинди. Бу борадаги кўрсаткич Пахтаобод, Олтинкўл, Булоқбоши, Балиқчи ва Жалақудуқ туманларида 62-66, Ғиждувон ва Бухоро туманларида 56-67, Чироқчи, Касби ва Китоб туманларида 60-62, Учқўрғон, Норин ва Наманган туманларида 61-62, Иштихон ва Пахтачи туманларида 61-64, Денов ва Сариосиё туманларида 55-69 центнерни ташкил этди. Илғор фермер хўжаликларида эса гектаридан 70-90 центнердан зиёд сара дон йиғиштириб олинди. Омборлар донга, қалблар шодликка тўлди. Нечун қувонмайлик?! Ахир бу ўзимизнинг донимиз, ўзимизнинг нонимиз, Ўзбекистон ғалласи!

Ўзбекистон ғалласи! Бу калом ҳар бир юртдошимиз тилида ўзгача ғурур ва ифтихор билан жаранглайди. Унда халқ маъмурлиги, турмуш фаровонлиги, деҳқон меҳнатига эътибор, дориламон ҳаётдан шукроналик мужассам. Зотан, кексаю ёш бугунги муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмаганини чуқур ҳис қилади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бундай юқори кўрсаткичга эришишни фақат орзу қилардик, холос. 1991 йилда жами 221 минг гектар ерда ғалла парваришлангани, унинг ҳар гектаридан атиги 22,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олингани, аҳоли эҳтиёжи учун зарур буғдой катта валюта ҳисобиға четдан келтирилгани ҳали эсимиздан чиққани йўқ.



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар, хусусан, қишлоқ хўжалигидаги туб бурилишлар, ерларнинг ҳақиқий эгаларига берилиб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани ўз самарасини берди. Қисқа фурсатда тармоқда манзара тамомила ўзгарди. Ғалла мустақиллигига эришдик, Ўзбекистон импортдан экспорт қилувчи давлатга айланди. Деҳқону фермерларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига буғдой етиштириш ҳажми йил сайин ошиб, дон мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Р. ИРМАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматовга "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Р. ИЛЬЯСОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз футболи шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришдаги хизматлари, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Рафаэль Эдуардович Ильясов "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июль

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ГАРОВИ

***Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий етиштирувчилари бўлган фермер хўжаликлари олдида етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини тўхтовсиз кўпайтириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлашни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги рентабеллигини ошириш вазифалари туради. Бу аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади.***

**Анжуман**

Давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтганидек, мулкдорнинг мақомини, ролини ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш — алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлган устувор вазифадир. Фермер — универсал деҳқондир. Ернинг ҳолати, сарфланган меҳнат, етиштирилган ҳосилнинг миқдори — унинг ишининг асосий кўрсаткичларидир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритиладиган ютуқларнинг асосини айнан мана шу омиллар ташкил этади.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда тегишли ҳуқуқий базани яратиш ва уни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан "Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари" мавзуида ташкил этилган семинар ушбу масала муҳокамасига бағишланди. Семинар шу йил 20 июлда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида бўлиб ўтди.

Семинарда қайд этилганидек, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатда хусусий секторни, шу жумладан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Чунончи, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика деҳқон (фермер) хўжаликларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг ривожланишига асос солди.

(Давоми 2-бетда).

# МЕҲРДАН ЯШНАЁТГАН ЗАМИН

***Бунёдкорлик, ободончилик халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Бу эзгу анъана мустақиллик йилларида кенг қулоч ёзиб, ҳар бир кишининг кўнгил ишига, кундалик турмуш тарзига айланди. Буни таърифлаш учун узундан-узоқ рақамлару статистика маълумотларини келтиришнинг ҳожати йўқ.***

Шунчаки ўзбек маҳаллаларида ҳар бир тонгни қандай кайфият билан кутиб олишларини кўрган киши бу урф-одатлар одамлар онгу шуурига нақадар чуқур сингиб кетганига яна бир карра амин бўлади: келинлар саҳар туриб ҳовлию кўчаларга сув сепса, жажжи қизчалар қўлларига супурги олиб, уларга ёрдам беришга ошиқишади, оналар тандирда иссиқ нон ёпиб, дастурхонга келтирса, мактаб томон шошилаётган ширин-дан-шакар болалар уни қаймоққа ботириб еб, хушкайфиятда йўлга отланишади, оталар дарахту гул шохларини тартибга келтирса, уйнинг файзу кўрки бўлмиш кексалар қўлларини дуога очиб, юртимиздаги мана шундай тинчлик, осойишталик, омонлик ва баракага ҳеч қачон кўз тегмасин, дея ният қилишади... Янги тонгни кўтаринкилик билан қарши олишга одатланган юртдошларимизга ана шу кайфият кун бўйи ҳамроҳлик қилади. Бу эса Ватан равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг кутилганидек самара беришида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар гал энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Истиқлол байрами арафасида ушбу бетакрор қадриятлар янада яққолроқ намоён бўлади. Халқимиз қутлуғ шодиёнани муносиб нишонлаш учун ажиб бир ҳаяжон ила ҳозирлик кўради, шаҳару қишлоқларимизда улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадаллашади, боғу хиёбонлар тартибга келтирилади, анвойи гуллар экилади, хуллас, барча бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилади. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳам жорий йилги ана шу ишларни ташкил этишда барчага дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мақолани тайёрлаш асносида энг муқаддас ва мўътабар масканларимиздан бири, Бош майдонимиз — Мустақиллик майдонида бўлдик. Бу табаррук гўша ҳамиша одамлар билан гавжум. Унинг гўзаллиги, файзу таровати, бетакрор меъморий ечими, шубҳасиз, ҳар бир ташриф буюрувчини ўзига мафтун этади.

(Давоми 2-бетда).

**Сурхондарёда "2010 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" доирасида 33576 та иш ўрни ташкил этилди.**

## Бандлик дастури — амалда

Бунда, айниқса, касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, вилоятдаги 314 та корхонада касаначилик асосида 1,9 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиб, ишга қабул қилинганлар билан тегишли меҳнат шартномалари расмийлаштирилгани эътиборга молик. Ўтган олти ой давомида улар томонидан 412,4 миллион сўмлик маҳсулот ва хизматлар амалга оширилиб, белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш эвазига корхоналарда 24,1 миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА.**

## Бир рақам шарҳи

***Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган*** **116** **та янги корхона иш бошлади.**

# БУНЁДКОРЛИК МАНЗИЛЛАРИ

*Юртимиз аҳолиси ва қурилиш ташкилотларининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига тўлиқ таъминлаш ҳамда ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан бойитиш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги қувватларнинг ишга туширилишида муҳим омил бўлмоқда.*

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ОБОДЛИК ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ меҳнаткашлари орасида "Йил йилга ўхшамайди", деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожи бевосита табиатга, об-ҳавонинг қандай келишига ҳам боғлиқ. Айниқса, бу йилги об-ҳаво шароитида ҳосил тўплаш осон кечмади. Табиат инжиқликлари билан деҳқон ва фермерларни яна бир бор синовдан ўтказди. Тажрибали деҳқонларимиз мураккаб вазиятдан омилкорлик, фидойи меҳнат ва албатта, фан-техника янгиликларини қўллаш орқали чиқиб кетдилар. Бу жараёнда давлатимизнинг тармоққа бўлган эътибори, ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, айниқса, қўл келди.

Дарҳақиқат, жорий йил ҳосили учун уруғликдан тортиб, ёқилғи-мойлаш материалларигача фермернинг даласига етказиб берилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши эса уларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириб юборди. Бир тану жон бўлиб қилинган меҳнат натижасида баракали ҳосил яратилди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, ҳосилдорликнинг юқори бўлиши сифатли уруғликка боғлиқ. Президентимиз ушбу масалага тўхталар экан, ҳар бир вилоят, туман, қолаверса, хўжаликнинг ўз нави бўлишини таъкидлайдилар. Зотан, навни нотўғри танлаган деҳқоннинг меҳнати самарали бўлмайди. Шу боис юртимизда ғалла уруғчилигига эътибор бўлакча. Селекция ва уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, жаҳон селекцияси ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида чет эл илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институти жамоаси фаолияти касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ҳамда эртапишар буғдой навлари яратишга йўналтирилган. Истиқлол йилларида бу ерда буғдойнинг 25 та, арпанинг 12 та янги нави яратилди. Ҳозирги кунда яна 26 та нав синовдан ўтказилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бундан ташқари, уруғлик тозалаб, саралаб, дорилаб, қадоқлаб бериладиган 44 та замонавий цех фаолият юритаётир.

Мамлакатимизда 2010 йил ҳосили учун навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуд иқлим шароитига мос нав танланди. Асосий майдонларда "Крошка", "Половчанка", "Краснодар-99", "Кума", "Таня", "Память", "Восторг", "Нота" каби хориж навлари, шунингдек, "Чиллаки", "Андижон-1", "Андижон-2", "Андижон-4", "Дўстлик", "Бобур", "Жайхун" ва "Марс" сингари маҳаллий буғдой навлари етиштирилди.

Биласиз, ерга сепилган уруғ ўз-ўзидан кўкариб, бошоқламайди. У деҳқоннинг фарзандидек суйиб қилган парваришидан кўкаради. Унинг меҳридан гуркураб ўсиб-яшнайди. Шунинг учун юртимизда ҳар бир бошоқни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш пайидан бўлинади. Бу билан азиз неъмат — дон улуғланади, деҳқон меҳнати қадрланади.

Ғалла ўрим-йиғими мавсумига Президентимизнинг шу йил 13 майдаги қарори асосида пухта тайёргарлик кўрилгани туфайли у уюшқоқлик билан якунланаяпти. Айниқса, "Кейс", "Клаас", "Нью Холланд" каби юқори унумли замонавий комбайнлар жалб этилгани ўрим-йиғим ишларини жадаллаштириб юборди. Мавсум давомийлигини йилига 4-5 кунга қисқартиришга эришилаётгани шундан далолат беради, албатта.

Гарчи, шартнома мажбурияти бажарилган бўлса-да, ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда. Сабаби, ҳали далаларда ҳосил мўл. Бу мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, юртимиз аҳолисининг мазкур неъматларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самарасидир. Пировардида уйимиз энг азиз ва лазиз неъмат — буғдойга тўлмоқда. Буғдой тўкин-сочинлик, қут-барака, фаровонлик манбаидир. Демак, турмушимиз бундан-да фаровонлашиб, ҳаётимиз янада гўзал бўлаверади. Зотан, шоир айтганидек, "Шода-шода шодликдир Ўзбекистон ғалласи!"

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Юртимизда болаларнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларнинг тўкис ҳаёт кечиришлари учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, бола ҳуқуқларини таъминлаш, соҳа профилактикасини кучайтириш, ота-она ва бошқа шахсларнинг болалар тарбиясидаги масъулиятини кучайтириш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун шу йўлдаги изланишлардан бири бўлди.***

# ЁШЛАР КАМОЛИ – ЮРТ ИҚБОЛИ

**Қонун кучга кирди**

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўтган даврда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида муҳим ижтимоий ҳамда ҳуқуқий аҳамиятга молик Давлат дастурлари ва қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётир. "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, болалар томонидан содир этилаётган жиноятчилик камайиб бораётир. Аммо улар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони нисбатан ўсганлиги кўзга ташланади.

Вояга етмаганлар ғайриижтимоий хулқини вужудга келтирувчи омиллар таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда вояга етмаганларнинг тунги вақтда кўнгилочар муассасаларда бўлиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиши бундай кўнгилсизликларга олиб келаётир. Иккинчи томондан, тунги вақтда вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс кузатувисиз бу жойларга келишига йўл қўйганлиги учун ушбу муассасалар эгаларига жавобгарлик йўқлиги бундай ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида вояга етмаганлар томонидан содир этилган 1584 та жиноятнинг 422 таси айнан тунги вақтларга тўғри келиши ҳам буни тасдиқлайди.

Миллий қонунчилигимиздаги бундай бўшлиқларни тўлдириш ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга долзарб масала эканлиги ҳисобга олинди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс вояга етмаган шахснинг ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз тунги вақтда дам олиш муассасаларида бўлишига йўл қўйганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи 188²-модда билан тўлдирилди.

Шу ўринда "Тунги вақт деганда куннинг айнан қайси вақтини тушуниш лозим?" деган савол туғилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, соат 22.00 дан то соат 06.00 гача бўлган муддат тунги вақт ҳисобланади. Демак, ушбу қонунга биноан, вояга етмаган шахснинг соат 22.00 дан то соат 06.00 гача бўлган вақтда ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компьютер зали, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш жойларига ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс билан бирга бориши мумкин бўлади. Ҳуқуқбузарлик содир этилганда эса юқорида номлари санаб ўтилган муассасалар раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Шунингдек, мазкур ҳужжат ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига ҳам тегишли масъулият юклайди. Жумладан, бундай ҳолатда вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига мувофиқ, болаларни тарбиялаш, уларга таълим беришда эътиборсизликка йўл қўйганлиги учун тегишлича жавобгар бўладилар.

Хуллас, ушбу Қонун фарзандларимизни одобли, ахлоқли, меҳрибон, сирасини айтганда, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашимизда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Халқ нақлида айтилганидек, бола тарбияси билан азиз.

**Улуғбек АЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

## Яхши хабарлар

***Майдони Жиззах вилояти ҳудудининг ярмидан кўпини ташкил этган Фориш туманида жами 739 километр узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд.***

# Равон йўллар манзилларга элтади

Туман йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат давлат корхонаси Мустақиллик байрами арафасида "Жиззах — Янгиқишлоқ — Қизилча — Қизилқум" ҳалқа йўлининг 70-80 километр оралиғидаги масофани сифатли таъмирлашга эришди. Шунингдек, 18 километрлик "Янгиқишлоқ — Қизилқум" йўли қисқа фурсатда жорий таъмирланди. Меҳнатобод ҳамда Нарвон қишлоқларига олиб борадиган салкам 2,5 километр узунликдаги янги асфальт йўллари ҳам аҳоли учун катта қулайликлар яратди.

Жамоа раҳбари Амир Нишоновнинг таъкидлашича, корхона жорий йилнинг ўтган даврида салкам 350 миллион сўмлик иш бажарган.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳаллий хом ашёдан маҳсулот

***Навоий вилоятидаги "Навоийазот" АЖ, "Навоий иссиқлик станцияси" АЖ саноатда ишлатиладиган қувурларни ювадиган ишқорни эндиликда шу ернинг ўзидан оладиган бўлдилар.***

Бунинг учун "Навоийэлектркимёзавод"нинг ишлаб чиқариш цехи қайтадан модернизация қилиниб, саноат учун муҳим бўлган ишқор (шалич) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Темир қувур ва қозонларни тозалашда ишлатиладиган бу муҳим саноат ашёси шу пайтгача Хитойдан олиб келинар эди. Янги цехнинг ишга туширилиши катта миқдордаги валютани тежаш имконини берди. Ҳозирча ойига 20 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаётган цехда келажакда мазкур кўрсаткич 50 тоннага етказилади.

**Исроил ХОЛБОЕВ.**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1998 йилда қабул қилинган Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини шакллантирди ҳамда қишлоқда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янги имкониятлар очиб берди. Фермер хўжаликларини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам бермоқда.

Семинарда сўзга чиққан қатнашчилар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида аграр сектор тармоқларида туб ижобий ўзгаришларга эришилганлигини таъкидладилар.

2010 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республикада 80628 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, ҳар бир хўжаликка ўртача 62,4 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Уларда жами 1,6 миллион киши меҳнат қилаётир. Ишлаб турган фермер хўжаликларининг 41 мингдан зиёди пахта ва дон етиштиришга, 22 мингдан ортиғи боғдорчилик ва узумчиликка, 4 минги сабзавот ва мева етиштиришга ҳамда 6 мингдан зиёди бошқа йўналишларга ихтисослашган. Ҳозирги кунда фермер хўжаликларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 33 фоиздан ошиб кетди.

Фермер хўжаликлари тез суръатлар билан ривожланаётганлиги, охирги йилларда агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилаётганлиги ҳамда юқори сифатли навлар экилаётганлиги ҳисобига ҳосилдорлик сабзавотчиликда 121 фоизга, мева етиштиришда 155 фоизга, картошкачиликда 135 фоизга, боғдорчиликда 154 фоизга, узумчиликда 142 фоизга ошди.

Мулк шаклларининг ўзгариши билан бир қаторда товар ишлаб чиқаришдан бошлаб то уни сотишгача бўлган, тайёрлаш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни ўтказишни таъминлаш, молиялаш тизимини ўз ичига оладиган янги самарали инфратузилмани ривожлантириш аграр секторда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Мамлакатимиз Президентининг бир қатор фармонлари асосида тегишли вазирлик, компаниялар, тижорат банклари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қишлоқларда минтақаларнинг табиий-иқтисодий шароитларини, қишлоқ хўжалиги экинларини ихтисослаштириш ва жойлаштиришни, аҳолининг ўсиш суръатлари, бандлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, кўплаб инфратузилма объектлари ташкил этилди. Қишлоқда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларнинг изчил бажарилиши, шу жумладан, қишлоқ мулкдорларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар бу соҳадаги туб ўзгаришларнинг асосий омили бўлиб қолди.

Семинарда фермерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, уларга мамлакатимиз ва чет эллик шериклар ҳамда инвесторлар билан амалий алоқаларни кенгайтиришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш масалаларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди.

Семинар қатнашчилари фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар ҳамда бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Муҳокама якунлари бўйича қонунларни такомиллаштиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинар ишида сенаторлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, фермерлар, илмий муассасаларнинг ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

**(ЎзА).**



*Кўпни кўрган кексаларимиз ёшларимизга истиқлол берган улкан имкониятлар, беқиёс шарт-шароитларни қадрлаш, унга муносиб бўлиш кераклигини уқтириб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида уларга доимо бошқош бўлишга одатланишган. Ана шундай бетакрор эзгу анъана пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Тинчлик маҳалласида истиқомат қилувчи Фатхулла ота Ҳикматуллаев хонадонида ҳам намоён бўлмоқда.*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# МЕҲРДАН ЯШНАЁТГАН ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, бунёдкор халқимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обод ва фаровон турмушимиз, порлоқ истиқболимиз рамзи сифатида ҳам намоён бўлади.

— Ҳар гал пойтахтга келганимизда, албатта, Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб қайтамиз, — дейди Ўзбекистон туманининг Нурсух қишлоғидан ташриф буюрган Шоҳидахон Холматова. — Атрофга хушҳаво бахш этиб турган фавворалар, ям-яшил дарахт ва майсаларга бир қаранг-а, кайфиятингизни кўтариб, баҳридилингизни очади. Бир зумда руҳиятингиз ором олади, ўзингизни худди қушдек енгил ҳис қиласиз. Мана шундай пайтда яна бир карра бугунги ёруғ кунларимиз қадри ҳақида ўйлаймиз, шукрона келтирамиз. Ниятимиз, юртимиз доимо гуллаб-яшнайверсин.

Майдоннинг рамзий дарвозаси ҳисобланган Эзгулик аркаси тепасида парвозга шайланиб турган турналар, халқимизнинг кўнглидек оппоқ лайлаклар дилларда ажиб бир ҳис уйғотади. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари ифодасидир. Бугун янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизлар Бош майдонимиздаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ пойандоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойига келар эканлар, бахтиёр она сиймосида ўзларининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўладилар. Ана шундай ёшларимиздан бирини суҳбатга тортдик.

— Яқиндагина бахт тўйимизни нишонладик, — дейди Юнусобод туманида яшовчи Баҳром Соатов. — Турмуш ўртоғим билан биргаликда Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, жуда катта таассурот олдик. Яхши ниятлар қилдик. Келгусида ҳамма ҳавас билан қарайдиган оила бўлиш, юртимизга муносиб хизмат қиладиган фарзандларни тарбиялаш мақсадидамиз.

Баҳромнинг орзулари ушалишига биз ҳам тилакдошмиз. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, ўзининг эзгу истаги ила яшаётган, турли соҳада меҳнат қилиб, ҳам оиласи, ҳам мамлакат ривожи учун ҳисса қўшишга интилаётган юртдошларимизни учратасиз.

— Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори тадбиркорликни йўлга қўйишни истаганлар учун ҳам жуда катта имкониятлар эшиги очилди, — дейди Паркент туманидаги «BERAD-AGRO» хусусий корхонаси раҳбари Мирраҳим Адилов. — Яширмайман, бу ишга қўл уришдан аввал бир оз иккиланганимиз рост. Ҳар хил хаёлда эдик-да. Лекин давлатимиз раҳбари ушбу соҳа вакилларининг эркин фаолият юритиши учун нимаики зарур бўлса, барчасини яратиб беришга алоҳида эътибор қаратаётганликлари боис, ўзимизга ишончимиз ортиб, ишга астойдил, ғайрат билан киришдик. Мана, корхонамизни ташкил этганимизга бу йил ўн беш йилдан ошди. Айни пайтда энг замонавий технологиялар ёрдамида майизнинг 6 турини қайта ишлашни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, шўъба корхоналаримизда қуритилган сабзавотларнинг барча тури ишлаб чиқарилади. Хом ашёни Паркент тумани ва Самарқанд вилоятидан келтирамиз.

Мустақиллик шарофатини қарангки, бугун ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни тўлиқ экспортга йўналтираяпмиз. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Фаолиятимизни бошлаган дастлабки йилларда МДҲ, Европа, Осиё ва ҳатто, Америка қитъасида ҳам ўз мижозларимизга эга бўламиз, деб сира ўйламагандик. Бугун эса буларнинг барчаси ҳақиқат. Энг муҳими, маҳаллий йигит-қизларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан ғурурланамиз. Масалан, 1995 йилда корхонамизда, борйўғи, 4 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда 91 киши иш билан таъминланган.

Мамлакатимизда ҳеч бир эзгу саъй-ҳаракат беэътибор қолдирилмайди. Шу маънода айтганда, юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловида «BERAD-AGRO» корхонаси фаолияти ҳам бир неча бор эътироф этилган. Жумладан, 2000 йилда республика босқичида учинчи ўринга лойиқ кўрилган бўлса, 2001 йилда Президентимиз соврини — "Нексия" автомобили билан тақдирланган. Бир йил ўтиб, "Энг кўп маҳсулот экспорт қилган корхона" номинацияси совриндори бўлган.

— Булар зиммамиздаги масъулиятни янада оширди, — дейди М. Адилов. — Сирасини айтганда, ўз ишимиздан мамнунмиз. Ниятимиз, юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда фермерлик ҳаракати ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ер соҳиблари авваллари асосан маҳсулот етиштириш билан шуғулланган бўлсалар, эндиликда ишлаб чиқаришда ҳам ўз имкониятларини синаб кўришмоқда. Натижалар айтишга арзигулик. Муҳими, қишлоққа саноатнинг кириб бориши аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини ижобий ҳал этишда муҳим омил бўлаётир.

— Сут маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, — дейди Жиззах вилоятидаги "Уста Сафар ота" фермер хўжалиги раҳбари Дўстмамат Қодирқулов. — Корхонамизда тайёрланаётган қаймоқ, творог, қатиқ, йогурт каби 14 хилдаги сут маҳсулотлари халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб беради. Муҳими, сут хўжалигимизнинг ўзида етиштирилаётгани боис маҳсулотларимиз нархи ҳам анча арзон. Бу харидорларга ҳам маъқул келмоқда.

Биласизми, баъзида ёлғиз қолганимда ортда қолган йиллар, фермерликда эришган натижаларимиз ҳақида ўйлаб қоламан. Булар осмондан тушган ютуқлар эмас, албатта. Меҳнат қилиш бошқа, аммо давлат томонидан эътибор бўлмаса қийин. Шукрки, Юртбошимиз ҳамиша ер эгаларини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Мана, энди олис ҳудудларга ҳам саноат кириб бораяпти, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланаяпти, инфратузилма тобора ривожланаётир. Ишончимиз комилки, яқин келажакда Ўзбекистонимиз энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилади. Чунки бизда бугун ана шу даражага эришиш учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

Чиндан ҳам, истиқлолнинг ҳар бир куни, ҳар бир йили биз учун муқаддас. Муваффақиятларни исталган соҳада кўриш мумкин. Масалан, спортни олайлик. Яқинда Жанубий Африка Республикасида якунланган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионатида МДҲ давлатлари орасидан фақат ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматовнинг иштирок этгани спортимиздаги ютуқларнинг халқаро эътирофи эмасми? Бешта ўйинни юқори савияда бошқарган ҳамюртимиз ФИФА тарихидан ҳам жой олди.

— Фарзандининг мана шундай ютуқларга эришганини кўриш ҳар бир ота-она учун катта бахт, — дейди Равшан Эрматовнинг отаси Сайфиддин ака. — Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга, хусусан, футболга берилаётган катта эътибор мевасидир. Эҳ-ҳе, илгарилари бу имкониятлар қаёқда эди, дейсиз. "Ўзбекистонлик ҳакам Осиёда "Энг яхши" деб топилибди", дейилса, ҳеч ким ишонмасди. "Ўзбекистонлик ҳакам клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалини бошқарибди", деган гапни тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик. "Ўзбек фарзанди футбол бўйича жаҳон чемпионатида энг кўп ўйинни бошқарибди", деган хабарни эшитиш эса гўёки туш эди. Бугун буларнинг барчаси ҳақиқат. Равшаннинг натижалари жажжи қалбларда спортга меҳр уйғотган бўлса, бу биз учун қўшқувонч.

Мухтасар қилиб айтганда, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшашини таъминлаш мақсадида бажарилаётган ишлар жойларда ана шундай қувончли натижалар бермоқда. Зеро, мамлакатимиз ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил боришида, кўзланган эзгу мақсадларга эришилишида буларнинг барчаси муҳим аҳамиятга эгадир.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, МОЛИЯВИЙ МАДАДКОР

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимиз тараққиётининг асосини ташкил этади. Зотан, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий соҳаларда эришилаётган ютуқларимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўлидан оғишмай олдинга интилаётганлигини кўрсатади.***




Барча соҳалар сингари иқтисодиётимизнинг аграр тармоғидаги янгиланишлар ҳам ушбу оқилона сиёсатнинг маҳсулидир. Бу соҳа ривожида давлатимиз раҳбарининг бевосита ғамхўрлигини ҳар қадамда сезиш мумкин. Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам аграр сектор тараққиётида муҳим ўрин тутди. Хусусан, ушбу ҳужжатда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш каби масалаларни ҳал қилишда янги ташкил этиладиган банкнинг хизмати катта бўлиши таъкидланади.

Шундай бўлди ҳам. Бугунги кунда "Агробанк" ОАТБ аграр сектор ходимларининг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланиб бормоқда. Айни вақтда бу банк кириб бормаган тадбиркорлик субъекти, фермер хўжалиги қолмади ҳисоб. Айниқса, бу борада "Агробанк"нинг вилоят бошқарма ва филиаллари фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, унинг Навоий вилояти бошқармасида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг молия бозоридаги воситачилик ролини кучайтириш, ўз молиявий мустақиллигини таъминлаш ва фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш мақсадида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳиссаси катта. Ушбу субъектлар фаолияти мамлакатимиз раҳбари Фармон ва қарорлари, шунингдек, қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўла кафолатланган. Шу туфайли банкнинг вилоят бошқармаси жамоаси ҳам уларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишган. Аниқроғи, бу жамоа 8 та туман филиали ва 13 та минибанк билан биргаликда вилоятдаги қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, бюджет муассасалари, кичик бизнес субъектлари ҳамда хўжалик юритувчи бошқа субъектларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами мижозлари 8 814 нафардан иборат эди. Улар ўтган ойлар мобайнида 249 нафарга кўпайди. Ҳозирда бу кўрсаткич 9063 нафарни ташкил этмоқда.

## Молия муассасаларида

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури бошқа соҳа ходимлари қатори банк жамоаси олдига ҳам қатор вазифаларни қўйди. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларга молиявий мадад бериш, иқтисодиётни ривожлантириш асносида ёшларга янги иш ўринлари яратиш каби ўнлаб масалалар бугунги кунда бошқарма жамоасининг кундалик вазифасига айланган. Энг аввало, ушбу дастур ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича бошқарма ҳамда барча туман филиалларида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, 20 дан ортиқ ёш оилага истеъмол кредитлари ажратилди. Айни чоғда, бошқарманинг туман бўлимлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун турли тармоқларга, хусусан, чорвачилик, қоракўлчилик, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчилик соҳалари, қолаверса, иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш мақсадлари учун имтиёзли ва банк маблағидан кредитлар ажратилди. Натижада вилоят қишлоқ жойларида 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



Бошқарманинг туман бўлимлари томонидан эса озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жойларда иссиқхоналар ташкил этиш, қуруқ меваларни қадоқлаш, ноанъанавий равишда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш, сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадида йирик миқдорда кредитлар ажратилди. Шунингдек, юқори ҳароратга чидамли ғишт ҳамда мармар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш учун ҳам молиявий мадад берилди. Уларга йирик миқдордаги имтиёзли ва банк кредитлари ажратилди. Натижада бугунги кунда вилоятда хом ашёдан катта миқдорда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, "Одил брок сервис" масъулияти чекланган жамиятига замонавий сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш мақсадида ускуналар харид қилиш учун кредит ажратилган эди. Бугунга келиб, О. Шарипов бошчилик қилаётган ушбу корхонада кунига бир тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шаҳар аҳлига тортиқ қилмоқда. Муҳими, бу саъй-ҳаракатлар туфайли 10 та янги иш ўрни яратилди.



Деҳқон ерни ризқ-рўз манбаи, чорвачиликни эса рўзғорнинг баракаси, деб ҳисоблайди. Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари




тўғрисида" қарори ушбу соҳани ривожлантиришда дастуриламал бўлиб келмоқда. Қарор ижроси бўйича вилоятда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кам таъминланган 113 та оилага банк маблағи ҳисобидан қорамол сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар ажратди. Ва умуман, ажратилган кредитлар ҳисобига қишлоқ жойларда 313 та оила иш билан таъминланди ҳамда уларнинг моддий аҳволи яхшиланишига эришилди.

Истиқлол аёлни улуғлади. Уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизими тобора такомиллашмоқда. Бугун аёлларни жамият қурилишининг барча жабҳаларида кўрамиз. Аёл — муаллима, аёл — врач, аёл — тадбиркор, аёл — фермер... Уларни муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш борасида ҳам банкнинг вилоят бошқармаси четда тургани йўқ. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 150 нафар хотин-қизга банк маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратди. Ушбу маблағ ҳисобига жойларда 30 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Бу соҳани молиялаштириш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 87,7 млн. сўмга кўп, деганидир.

"Агробанк" ОАТБнинг Навоий вилояти бошқармаси фақат шулар билангина чегараланиб қолгани йўқ. Ҳудудларни ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам унинг хизмати катта.

Бошқарманинг туман бўлимлари томонидан "Навоийдонмаҳсулотлари" ОАЖга қарашли корхоналарни модернизация килиш учун йирик миқдордаги банк кредитлари ажратилди. Натижада юзга яқин янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, ўтган олти ойда қишлоқ жойларда янги савдо дўконлари ва супермаркетлар қуриш ва таъмирлаш учун ўнлаб мижозларга кредитлар берилди. Қишлоқларнинг кўркига кўрк бўлиб янги замонавий савдо дўконлари ишга туширилди.

Дарҳақиқат, "Агробанк" ОАТБнинг Навоий вилояти бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари бугун ўз мижозлари билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб ишламоқда. Ишончли ҳамкор эса ҳамиша эҳтиромга лойиқ. Улар бугун Мурунтовдаги олтинтопарлар ҳузурида бўлса, эртага Нуротанинг бепоён даштларида сурув-сурув қўй боқаётган чўпонлар билан гурунглашадилар. Бир кун қизилтепалик фермерга мадад берса, эртасига хатирчилик тадбиркорга кўмак қўлини чўзади.

Дарҳақиқат, бу жамоанинг ҳар бир куни ана шундай жонли ва қизиқарли кечади. Зеро, кимгадир ёрдам кўрсатиб, нафинг тегиб яшашга нима етсин!

**Банк матбуот хизмати.**

---

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ўзининг кредит ресурслари миқдорини бир триллион АҚШ долларигача оширмоқчи, дейилади "Блумберг" ахборот агентлиги хабарида.***

### Инқирозга қарши навбатдаги чора

Ташкилот раҳбарининг изоҳлашича, глобал молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари ҳамон мавжуд. Шу боис уни бартараф этиш учун йўналтириладиган маблағлар ҳажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ХВЖ маблағларини ошириш бўйича қарор шу йил ноябрь ойида Сеул шаҳрида ўтказиладиган "Катта йигирматалик" йиғилишида қабул қилиниши мумкин. Жамғарманинг 2009 йилги кредит бюджети 750 млрд. АҚШ долларини ташкил этганди.

### Масъулиятсизлик қимматга тушди

***Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри яқинида иккита йўловчи поезди тўқнашиб кетди.***

Оқибатда 61 киши ҳаётдан кўз юмди, 160 нафар одам жароҳатланди. Хабарларга қараганда, тунги соат иккиларда Калькуттадан ҳаракатланган поезд йўлда тўхтаб турган иккинчи поездга келиб урилган. Мамлакат фуқаро муҳофазаси вазирининг айтишича, бахтсиз воқеа темир йўл маъмуриятининг масъулиятсизлиги туфайли рўй берган.

### Учар машина

***Лондонда халқаро авиасалон ўз ишини бошлади. Унда биринчи марта "Bloodhound SSC" реактив автомобили кўргазмага қўйилди.***

Уч йиллик меҳнат маҳсули саналган ушбу транспорт воситаси соатига 1610 км. (товуш тезлигидан 1,4 марта юқори) тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга. У 40 сонияда максимал тезликка чиқиб, шу вақт давомида 7,2 км. масофани босиб ўтади. Мазкур лойиҳа бош муҳандиси Марк Чапманнинг айтишича, машина 2011 йил охири ёки 2012 йил бошида синовдан ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, бу борадаги рекорд 1997 йили ўрнатилган бўлиб, ўшанда "Thrust SSC" русумидаги реактив автомобилнинг тезлиги соатига 1228 км.га етказилганди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

---


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

HYUNDAI

«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори
«DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD»
мамлакат минтақаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида барча қизиқиш билдирган шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

**Ҳамкорлик қилиш соҳаси** «HYUNDAI» русумли янги енгил автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича дилерлик келишувини тузиш.

**Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:**

- камида 150 м² бўлган ўз сервис-маркази ва автосалонига эга бўлиш;
- корхонани ривожлантириш бўйича ўз бизнес-режасини тақдим этиши лозим.

Барча саволлар бўйича Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(+99871) 250-11-11, (+99890) 185-63-30, (+99898) 301-31-70.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

657R/824


***Нукус тумани тиббиёт бирлашмасида "Соғлом она — соғлом бола" дастури бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

## Соғлом она – соғлом бола

Хусусан, кейинги йилларда бирлашма туғуруқхона бўлимига "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида гўдаклар жонлантириш тўшаги, вакуум аппарати, монитор каби қарийб 73 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Шу билан бирга, мазкур бўлим капитал таъмирдан чиқарилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бинокорлик ва талабалар шижоати

Ташаббус

***Навбатдаги ўқув йили машғулотларини тугаллаб, ёзги таътилга чиққан Наманган вилоятидаги олий ўқув юртлари талаба ёшларидан бир гуруҳи бунёдкорлик юмушларида қатнашиш учун зарбдор қурилишларга жўнаб кетишди.***

Маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги маросимда Намангандаги муҳандислик-иқтисодиёт ва педагогика-муҳандислик институтларининг 155 нафар талабасидан иборат ёшлар меҳнат гуруҳлари аъзоларига иш жойларига йўлланмалар берилди. Улар, асосан, вилоят марказида барпо этилаётган "Камолот" ва "Кичкинтой" ёшлар боғлари ҳамда туманларда тикланаётган намунавий кўринишдаги коттеж уйлардан иборат 16 та янги тураржой даҳаси қурилишларида бинокорларга яқиндан ёрдам кўрсатишади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор вазифасини бажарувчи Толиб Тўраевга падари бузруквори

**БОЗОР** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Давлат белгиси" Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент Босма фабрикаси жамоаси бирлашманинг бош юрист-маслаҳатчиси Зокиржон Мирзаевга отаси

**Шовкиддин МИРЗАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси жамоаси жамғарманинг собиқ ижрочи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Ўткир ЁРМУҲАМЕДОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


NEW HOLLAND

FIAT GROUP




ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

TEL.: 120-60-97, 120-74-50.

NEW HOLLAND AGRICULTURE



"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)



**Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётганислоҳотлар натижасида ёшларимиз таълим-тарбиясига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, айни пайтда ўғил-қизларимиз ёзги таътилда бўлишларига қарамай, уларни жисмонан соғломлаштириш, билими, ақл-заковати, салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.**

# ҚУВОНЧ ВА ТАБАССУМ МАСКАНИ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалига қарашли, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Алоқачи" ва "Нилуфар" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам кичкинтойларнинг мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Шинам ётоқхона, дам олиш хоналари, ошхона, кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари — ёшлар ихтиёрида.

*— Мақсадимиз болаларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ташкил этиш, уларни маънан ҳамда жисмонан чиниқтиришдан иборат, — дейди "Алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Матлуба Насриддинова. — Бу ерда аҳил оила муҳитини яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Машғулотларимиз, асосан, тарбия ишларига йўналтирилмоқда. Ўғил-қизлар ўзаро аҳил, дўстона муносабатда бўлишни, биз ўргатган тўгарак машғулотлари орқали оила юмушларига кўмаклашишни ўрганишса, ўйлаймиз, асосий мақсадимизга эришамиз. Ана шундан келиб чиқиб, масканимизда "Моҳир қўллар", рассомчилик, компьютер тўгараклари фаолиятини йўлга қўйганмиз. Шу билан бирга, болажонлар ўртасида футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш бўйича турли мусобақалар ташкил қилаяпмиз. Уларда ғолибликни қўлга киритган ўғил-қизлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.*

Рағбат инсонни муваффақиятлар сари руҳлантиради, мақсадлари рўёбига яқинлаштиради. Шу маънода, оромгоҳда ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг ёш авлод камолотидаги ўрни беқиёс. Зотан, болажонларнинг соғлом, дуркун ўсишида мароқли ҳордиқ муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз. "Алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбарининг айтишича, бу йилги ёзда Қорақалпоғистон

## Ғамхўрлик

Республикаси ва Хоразм вилоятидан ҳам 100 нафар бола қабул қилинди.

— Мавсум давомида ҳар икки оромгоҳда жами 2 минг нафардан зиёд ўғил-қиз дам олади, — дейди "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали "Маънавият ва маърифат" кенгаши масъул котиби Гулчеҳра Кенжаохунова. — Бунинг учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, оромгоҳлар зарурий жиҳозлар, анжомлар, спорт инвентарлари, тиббий препаратлар билан таъминланган. Болалар саломатлиги доимий назоратда бўлади. Оромгоҳ фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун филиал раҳбарияти томонидан юқори малакали педагог ва тарбиячилар ҳамда тиббиёт ходимлари жалб этилган.

— Масканимизда бир навбатда 220 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради, — дейди "Нилуфар" соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Нозима Розиқова. — Бу



ерда ҳар бир тадбир ва машғулот қатъий режа асосида ташкил этилади. Масалан, ўқувчиларимиз куннинг биринчи ярмида турли тўгарак машғулотларида қатнашиб, ҳунар сирларидан бохабар бўлишса, куннинг иккинчи ярмида уларни спорт ва бошқа кўнгилочар тадбирлар ҳамда ўйинлар, соғломлаштириш машғулотларига жалб қиламиз. "Ёш мухбир" тўгараги ижодкор ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини камол топтиришга хизмат қилса, 700 га яқин номдаги адабиётлар жамланган кутубхона болажонлар онги ва маънавиятини юксалтиришда қўл келаяпти.

Дарҳақиқат, масканда турли спорт машғулотлари, компьютер саводхонлиги билан машғул ёшларни кўриб, ҳавасингиз келиши табиий. Малакали педагог ва тарбиячилар болажонларга ғамхўр. Кичкинтойларнинг таъкидлашича, оромгоҳда ўтказилган "Менинг оромгоҳим" мавзуидаги иншолар, "Бахтли болалик" мавзуидаги расмлар кўрик-танловлари, "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Кашандалик — умр заволи" номли тадбирлар уларда катта таассурот қолдирди.

**Усмон УСМОНОВ.**

Муаллиф олган суратлар.

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

***Санъатга ошнолик, мусиқага ҳавас кўнгилни гўзал ва эзгу туйғуларга ошуфта этади. Шу боис фарзандларимиз қалбида мусиқага муҳаббат уйғотиш, мумтоз куйлар замиридаги теран маънони улар онгу шуурига сингдириш, киши маънавий дунёқарашини юксалтиришга қодир бебаҳо санъат дурдоналаридан ёшларимизни кенг баҳраманд этиш бугунги кунда катта аҳамият касб этади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мусиқа кўнгилни поклайди, руҳиятни тетиклаштиради.***

# ИСТИҚБОЛИ ЁРУҒ ФАРЗАНДЛАР

Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори навқирон авлод вакилларининг санъатга бўлган қизиқишини ошириш, иқтидор ва қобилиятини юксалтириш, чекка қишлоқларда камол топаётган истеъдодли болаларни кашф этиш ва уларнинг келгусидаги ютуқлари учун мустаҳкам пойдевор қўйишда катта аҳамият касб этаётир. Бугун қарорда белгиланганидек, фарзандларимизнинг миллий мусиқа санъатимиз, жаҳон мумтоз мусиқаси ҳамда тасвирий санъатнинг бетакрор намуналаридан кенг бохабар бўлиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида ҳам ана шундай илмга чанқоқ, санъат ва мусиқага ихлосманд, қобилиятли ёшлар кўп. Бу ерда 591 нафар ўқувчига мусиқа назарияси, фортепьяно, торли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, хор дирижёрлиги, умумий фортепьяно йўналишлари ҳамда умумтаълим фанларидан сабоқ берилмоқда.

Ўқув масканимизда юртимизнинг кўпгина таниқли санъат арбоблари иштирокида ижодий учрашувлар ўтказиш, ўқувчиларимизни улар эришган ютуқ ва муваффақиятлар, яратган янгидан-янги ижод намуналари билан яқиндан таништириш анъанага айланган. Шу боисми, мактабимиз ўқувчилари изланувчанлиги, интилиши, ижодий парвозга иштиёқи баланд эканлиги билан ажралиб туради. Улар Япония, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Италия, Португалия, Франция, Норвегия, Россия давлатларида бўлиб ўтган нуфузли халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда ва шу тариқа устозлари берган билимни оқлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Аслида, боланинг истеъдодсизи бўлмайди. Тажрибамиздан маълумки, намунали тарбиявий муҳит, устозлар ибрати, меҳри ва эътибори туфайли ҳар бир ўғил-қизнинг кўнглига йўл топиш, салоҳият ва иқтидорини юзага чиқаришга эришиш мумкин. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мактаб-интернатда фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳар бир педагог ходим ана шу ақидага қатъий амал қилади. Малакали ўқитувчиларимиз ўқув дастурларини мукаммаллаштириш, таълим сифатини ошириш, дарс машғулотларини қизиқарли ва ноодатий тарзда ташкил этиш борасида доимий изланишдалар. Масалан, рассомлик бўлимидаги ўқитиш услубини олайлик. Бу ерда ёш рассомлар кўп йиллар давомида шаклланган академик мактаб анъаналари асосида юртимиз ва жаҳон тасвирий санъати тарихи ҳақида чуқур билим ва тасаввурга эга бўлдилар. Имтиҳонлар жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фантазияси, образли фикрлаш даражаси мунтазам текшириб борилади.

Ўқув йили тугагач, юқори синф ўқувчилари ёзги амалиёт машғулотлари учун Оқтош тоғида жойлашган ижодий оромгоҳга йўл оладилар. Бу ерда болалар тоза ҳавода дам олиш билан бирга, тоғу тошлар, шарқираб оқаётган сойлару чаман бўлиб очилган дара гулларидан илҳомланиб этюд ишлашади. Шу тариқа улар рангларнинг бири-бирига таъсирини, уларнинг ҳаво, нур ва соялар туфайли ўзгаришини жонли табиат бағрида туриб кузатишади.

Мана, тўққиз йилдирки, мактаб қошида "Истеъдод" дуторчилар ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамоа илк бор 2007 йилда халқаро саҳнага чиққан эди. Ансамбль қизлари В. Спиваков фонди шафелигида ўтказиладиган нуфузли танловда иштирок этишди. Орадан бир йил ўтиб, яккахон ижрочи қизлар — Ирода Мирсоатова ва Юлдуз Мирсаматова Португалияда ўтказилган "Evora" анъанавий мусиқа фестивалида ҳамда Францияда ўтказилган Шарқ мусиқаси фестивалида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Дуторчи қизларимизнинг ўтган 2009 йилда эришган ютуқлари ансамбль тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Улар Украинада ўтказилган халқаро танловда тўртта мукофотга муносиб деб топилдилар. Яъни ёш санъаткорлар "Ансамбль", "Томошабинлар эҳтироми", "Энг яхши устоз" деб номланган номинацияларда биринчи ўринга ҳамда барча ғолиблар орасида Гран-при совринига сазовор бўлишди. Жорий йилнинг февраль ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган яна бир халқаро беллашув — "Окно в Европу" фестивалида Юлдуз Мирсаматова ҳамда Мўмина Ҳикматуллаева иштирок этиб, биринчи ўрин соҳиби бўлишди. Мўмина "Миллий анъаналарга эҳтиром" номинацияси бўйича таъсис этилган ягона дипломни ҳам қўлга киритди.

Эришилган бу каби ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Асосийси, мусиқа сеҳрини дилдан ҳис эта олувчи, саводли ва зийрак авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадимиз бугун истиқлол берган имкониятлар туфайли амалга ошмоқда. Биз, таълим соҳаси ходимларининг муҳим вазифамиз ҳам бетакрор истеъдоди билан юрт шанини юксалтиришга қодир бўлган ана шундай ёшлар сафини кенгайтириш йўлида тажриба, билим ва маҳоратимизни ишга солишдир.

**Соме СОДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## Кучли рақиблар ортда қолди

***Париж шаҳрида енгил атлетика оламида ўзига хос нуфузга эга бўлган "Бриллиант лига" халқаро мусобақасининг тўққизинчи босқичи якунланди.***

Эътиборлиси, ушбу турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Надежда Дусанова баландликка сакраш бўйича 1 метру 93 сантиметр натижа кўрсатиб, тўртинчи поғонани банд этди. У кучли рақиблари — украиналик Вита Степина, россиялик Ирина Гордеева, швециялик Эмма Грин ва мезбонлар вакили Мелани Мельфордни ортда қолдирди.

## Шахматчиларимиз муваффақияти

***Хитойда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Осиё чемпионати ташкил этилди. Унда таниқли мутахассис Владимир Егин бошчилигидаги терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли қатнашишди.***



Хусусан, Нодирбек Ёқуббоев (8 ёшгача бўлганлар орасида) ва Темур Игонин (10 ёшгача бўлганлар ўртасида) бронза медалини қўлга киритди.

Шунингдек, 14 ёшлилар баҳсида Олег Артеменко ҳамда 16 ёшгача бўлган "ақл гимнастикачилари" орасида Сарвиноз Қурбонбоева умумий ҳисобда кучли бешликдан жой олди.

## Истомин кейинги босқичда

***Германиянинг Гамбург шаҳрида соврин жамғармаси 1 291 000 АҚШ долларига тенг бўлган теннис турнири давом этмоқда.***

Қувонарли жиҳати, унда мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин иккинчи босқич йўлланмасини қўлга киритди. Ҳамюртимиз кескин ва муросасиз кечган дастлабки ўйинда чехиялик таниқли рақиби Лукаш Росолани уч сет ҳисобига кўра (3:6, 6:4, 6:3) мағлубиятга учратди. Энди у навбатдаги баҳсни Испания вакили Николас Алмагрога қарши ўтказади.

## Ёш боксчилар баҳси

***Олмалиқ шаҳрида 1996 — 1998 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.***

Ёрқин иқтидор эгаларини саралаш имкониятини берувчи мазкур биринчиликда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 278 нафар ёш чарм қўлқоп устаси рингга кўтарилди.

Соғлом рақобат остида кечган жангларда Фарғона вилоятидан Фазлиддин Мелибоев (46 кг.), Алимардон Абдураҳимов (60 кг.), Рашид Дўстназаров (63 кг.), Асил Солиев (75 кг.), Абдулҳафиз Содиқов (80 кг.), Тошкент шаҳридан Абдулҳай Шораҳматов (38 кг.), Жасур Аҳмаджонов (52 кг.), Жавоҳир Соипов (70 кг.), Наманган вилоятидан Шукрулло Раҳимов (42 кг.), Шарифжон Абдувалиев (44 кг.), Андижон вилоятидан Сардор Алимов (48 кг.), Мирзаолим Неъматжонов (54 кг.)га тенг келадиган топилмади. Бундан ташқари, қашқадарёлик Жавоҳир Каримов (36 кг.), жиззахлик Рустам Абдуллаҳакимов (40 кг.), Тошкент вилоятилик Маҳмуд Ғоипов (50 кг.), самарқандлик Азиз Шукуров (57 кг.) ва Қорақалпоғистон Республикасидан Даутбой Аҳметов (66 кг.) ҳам ғолиблар орасидан жой олишди.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**тайёрлади.**


**ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК**
**ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Тендер савдолари предмети.
**«Ўзтемирйўлмаштаъмир» УКнинг «Қуюв-механика заводи» ШКда ҳаракатланадиган составнинг таъмирлаш базасини ривожлантириш ва вагонсозликни ташкил этиш» объекти бўйича қуюв цехида қуйма пўлат, чўян ва рангли металлдан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ускуна ҳамда жиҳозларни етказиб бериш (шеф-монтаж) ва хизмат кўрсатиш.**

2. Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:
**«Қуюв-механика заводи» ШК қуюв цехи учун ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.**
**Телефонлар: (+998 71) 237-99-91, 237-94-00, 237-82-67.**
**Тел./факс: (+998 71) 232-11-65, 237-95-69.**
**E-mail: grp_lmz@mail.ru**

Тендер савдоларида иштирокчиларга қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинаётган миқдордаги маҳсулотларни етказиб бериш тажрибасига эга, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчидан кафолат хатига эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

***Тендер савдоларида маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий етказиб берувчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.***

3. Ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш (шеф-монтаж) ва хизмат кўрсатиш бўйича тўлов шартлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

4. Етказиб бериш шартлари (ИНКОТЕРМС-2000 га асосан):
— хорижий иштирокчилар учун — CIP Тошкент;
— маҳаллий етказиб берувчилар учун — харидорнинг Тошкент шаҳридаги омбори.

5. Ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш муддати — молиялаштириш очилган кундан бошлаб 16 ой давомида, кейинчалик шеф-монтаж бўйича хизмат кўрсатиш.

6. Тендер таклифлари кафолати миқдори тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

7. Тендер таклифлари кафолатини тўлаш бўйича тўлов шартлари ва банк реквизитлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

8. Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — **2010 йил 20 август куни соат 18.00 гача.**

9. Тендер савдолари ўтказилиш шартлари бўйича қўшимча маълумотни «Қуюв-механика заводи» ШКнинг қуюв цехи учун ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳига юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.
Тендер таклифлари қуйидаги манзилда очилади: **Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК биноси.**

10. Тендер ҳужжатларининг баҳоси — ҚҚС билан 400 АҚШ доллари:
— резидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курс бўйича сўмда амалга оширилади;
— норезидентлар учун тўлов АҚШ долларида амалга оширилади.

671R/834


## ОБ-ҲАВО (21 июль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғади. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Баъзи жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Айрим туманларда ёмғир ёғади. Тунда 18-23, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

*сизга манфаатли шартларга асосланган*
*«АНТИҚА» жамғарилувчи омонатини таклиф этади.*

«Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади.
Маблағларнинг омонатда сақланиш муддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24%, 4 ойга йиллик 25%, 6 ойга йиллик 26%, 8 ойга йиллик 27%, 10 ойга йиллик 28% ва 12 ойга йиллик 29% миқдорида фоиз даромадлари тўланади.

*Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.*
ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.35 1 2 3 5